

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖМАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 171 (5520).

30

АВГУСТ

ШАНБА

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

БУГУНГИ СОНДА

31 АВГУСТ

- ШАХТЁРЛАР КУНИ
- МАМЛАКАТИМИЗДА СТА-
ХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИ-
НИНГ БОШЛАНГАНИГА
40 ЙИЛ ТЎЛДИ.

1 СЕНТЯБРЬ

- МАКТАВЛАРДА, ТЕХНИКУМ
ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ.

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ САМАРАСИ

ТОШКЕНТ паррадақчилик фабрикаси коллективи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусоба-
ка ўтказиш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қаро-
рига жавобан ўз зиммасига
оширишга мажбуриятлар олди.
44 миллион донга тўхум етти-
риш юзасидан йиллик планни
Улуғ Октябр байрамигача ба-
жаришга, йил охирига қадар

ёса 51 миллион донга тўхум ва
700 тонна гўшт етказиб бериш-
га аҳд қилинди. Бу — план-
дагидан 7 миллион донга тўхум
ва 100 тонна ортиқ гўшт етказ-
иб берилади, демаски. Меҳнат
ушугдорлигини 10 процент
ошириш, маҳсулот тайини
5 процент кайитириш ва ик-
ки миллион сўм фойда олиш
мўлжалланмоқда. (ЎзТАГ).

ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИДА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР АКТИВЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети ва область
ижроия комитети Оққўрғон районидagi меҳнат-
кашлар депутатлари Илмч номида қишлоқ Совети-
нинг 1975 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга
тайёргарлик ва ун ушқоқлик билан ўтказиш
юзасидан белгиланган тадбирларини маълумлади.
Район партия комитетлари, район ижроия ко-
митетлари, қишлоқ ва посёлка Советларига
Илмч номида қишлоқ Советининг қишлоқ та-

шаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда депутатлар-
нинг ҳақ олтиш ҳосилини йиғиб-териб олиш
аҳдсизига тайёргарлик ва пахтани йиғиб-териб
олиш ишларидаги актив иштирокини таъминлаш
борасида конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш та-
сис қилинди.

(Илмч қишлоқ Совети тадбирла-
рини 3-бетда ўқийсиз).

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИ ШАРАФИГА

28 августда Тошкентда халқаро
хотин-қизлар йилини ўтказувчи
республика комиссиясининг маж-
лиси бўлиб ўтди.

Комиссия министрилар ва
идораларнинг, Қорақалпоғистон
АССР Министрлар Совети ва об-
ласть ижроия комитетлари раҳ-
барларининг хотин-қизларнинг
меҳнат ва сиёсий активлигини яна
да ошириш ҳамда уларга қорхона-
ларда зарур маданий-маиший ш-
ароитларни яратиб бериш тадбирла-
ри тўғрисидаги ахборотларини
тинглади. Ошаник ва болаликни
муҳофиза қилиш, дарсдан тапша-
ри вақтда болалар ўртасида иш-
лаш билан боғлиқ масалалар, Ўз-

бекистон хотин-қизлари ҳақида-
ги материалларни тайёрлаш ва
эълон қилиш юзасидан нарийн-
лар ҳамда редакцияларнинг фа-
олияти билан боғлиқ масалалар ҳам
қарар чиқилди. Халқаро хотин-
қизлар йили муносабати билан
меҳнаткашлардан тушган хатлар,
аризалар ва пинжоллар қандай
қарар чиқилаётганини тўғрисида
ахборот тингланди.
Мажлисда Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитетининг
секретари О. У. Салимов, респу-
блика Министрлар Совети расия-
нинг ўринбосари Р. Х. Абдулла-
ева иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).



МАКТАВ ҚУЧОҒИГА.

А. Абалов фототўди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА МАМЛАКАТЧИЛИК ТАЙЁРЛАШ- НИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 АВГУСТГА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

биринчи сўм — бир кунлик ўсиш,
иккинчи сўм — мавсум бошидан
бери

Қуй Чирчиқ	22,5	101,1
Калинин	—	100,7
Янгийўл	0,3	100,6
Оржоникидзе	6,7	100,3
Чирчиқ	—	100,1
Ўрта Чирчиқ	9,5	67,7
Пискент	13,9	50,2
Оққўрғон	2,7	49,1
Бўка	10,7	40,3
Юкори Чирчиқ	4,5	36,7
Бекобод	2,3	19,7
Бўстонлиқ	4,1	7,4
Оҳангарон	1,4	7,0
Область бўйича	7,2	60,7

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИГА — МУКОФОТЛАР

Тўққизинчи беш йиллик план-
ларини ва социалистик мажбу-
рийларини бажарган Ўзбеки-
стон қишлоқ хўжалиги пешка-
дамларидан катта бир гуруҳни
СССР Қишлоқ хўжалиги ми-
нистрлиги ҳамда қишлоқ хў-
жалиги ва Тайёрлаш ишчилари
ва хизматчилари касаба союзи
Марказий Комитетининг қаро-
рига биноан «9-беш йиллик

зарбаори» нишонин билан му-
кофотланди.
Беш йиллик тошйириларини
муддатидан илгари бажаришга
муносиб ҳисса қўшган қолхоз-
лар, совхозларнинг пешкадам
меҳнатчиларидан, қишлоқ хў-
жалиги мутахассислари, илмий
хизматчилардан 10440 кишига му-
кофотлар топширилди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИНИНГ ФАРМОНИ ЎРТОҚ А. А. ИШКОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Балиқчилик хўжалигини ривожлантириш соҳасида Совет
давлати олдидagi катта хизматлари учун ҳамда тузилган ку-
нига симиш йил тўғрисидаги муносабати билан СССР балиқ-
чилик хўжалиги министри ўртоқ Александр Акимович Иш-
ковга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин
ордени ҳамда «Уроқ ва Болга» олтин медали топширилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раяси

Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1975 йил, 25 август.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРДА

ХАНОЙ, 28 август. (ТАСС).
Вьетнам меҳнаткашлар партия-
си Марказий Комитетининг
Вьетнам Демократик Республика-
сининг миллий мажлиси ва ҳуку-
матининг таълифига бинаван
Вьетнам Демократик Респу-
бликасининг 30 йиллигига бай-
рам қилишда ҳамда Хо Ши
Мин маволини таънавали очил-
иш маросимида қатнашиш
учун КПСС Марказий Комитети
Сиёсий бюроси аъзоллигига
кандидат. РСФСР Министрлар
Совети раиси М. С. Соломен-
цев бошличилидаги Совет пар-

тия-хукумат делегацияси бугун
Ханойга келди.
Делегация составида КПСС
Марказий Комитетининг секре-
тари К. Ф. Катусев, СССР
Министрлар Совети раисининг
ўринбосари М. А. Лесенко,
Москва совети ижроия коми-
тети раисининг биринчи ўрин-
босари В. П. Исавев бор.
ВДР ва СССР давлат бай-
роқлари билан безатилган
аэропортда делегацияни Вьет-
нам меҳнаткашлар партияси
Марказий Комитети Сиёсий бю-
росининг аъзоси, ВДР ҳуку-
матининг бош министри Фам Ван

Донг, Вьетнам меҳнаткашлар
партияси Марказий Комитети-
нинг секретари Суан Тхон ва
бошқа расмий кишилар кутиб
олдилар. Кутиб олувчилар ора-
сида Совет партия-хукумат де-
легацияси составига кирган
СССРнинг ВДРдаги элчиси
Б. Н. Чаплин ҳам бор эди.
Вьетнам халқ армияси жанг-
чиларининг фохрий қоровули
саф тортиб турди.
Ханой меҳнаткашларининг
вакиллари Совет Иттифоқидан
кеглан меҳмонларни самийий
табриклагилар.

ХАНОЙ, 28 август. (ТАСС). Совет
партия-хукумат делегацияси Ханой-
га келиши билан Вьетнам меҳнат-
кашлар партияси Марказий Комитети-
нинг биринчи секретари Ле Зуан
билан, ВМР Марказий Комитети
Сиёсий бюросининг аъзоси, ВДР
Миллат мажлиси доимий комитети
раиси Чинг Тинь билан, ВДР
хукуматининг бош министри Фам
Ван Донг билан учрашди.
Самийий суҳбат чоғида совет де-
легациясининг бошлиғи М. С. Соло-
менцев, ВДРнинг 30 йиллиги муноса-
бати билан Л. И. Брежнев, Н. С.
Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқ-
лардан ВМР Марказий Комитетига,

ВДР Миллат мажлисининг доимий
комитетига ва ВДР ҳукумат кенгаши-
га юборилган тебрикнома-текстни
топширди.

Совет партия-хукумат делегацияси
Вьетнам халқининг ажойиб ғалабаси
— Ватанининг батамом озод этил-
ганлиги муносабати билан КПСС
Марказий Комитети Сиёсий бюроси
ва шаҳсан Л. И. Брежневнинг сави-
мий табригини Вьетнам раҳбарларига
топширди. Делегация мамлакатни
қайта тиклашда, унинг Жануби-
Шарқий Осиёда социализм таъин
сифатида бундан бўйиги тинч та-
раққийида Вьетнам коммунистлари-
га, бутун Вьетнам халқига янги-янги

муваффақиятлар тилади.
Суҳбатда совет томонидан: КПСС
Марказий Комитети Сиёсий бюроси
аъзоллигига кандидат, РСФСР Ми-
нистрлар Советининг раиси М. С.
Соломенцев, КПСС Марказий Коми-
тетининг секретари К. Ф. Катусев,
СССР Министрлар Совети раисининг
ўринбосари М. А. Лесенко, Москва
шаҳар Совети ижроия комитети ра-
исининг биринчи ўринбосари В. П.
Исавев, СССРнинг ВДРдаги элчиси
Б. Н. Чаплин; Вьетнам томонидан—
ВМР Марказий Комитетининг секре-
тари Суан Тхон, ВМР Марказий Ко-
митетининг аъзоси Нгуен Ван Кинь
қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЭРТАГА-ШАХТЁРЛАР КУНИ "ҚОРА ОЛТИН" — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

СТАХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИ БОШЛАНГАНГА 40 ЙИЛ ТЎЛДИ

ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН

1935 йилининг 30 августидан 31 августга ўтар кечаси Донбасс кўмир конларидан бирида Алексей Стаханов прогрессив методни қўлланиб, техникадан моҳирона фойдаланган ҳолда меҳнат жасорати кўрсатди: бир ўн 102 тонна кўмир қазиб чиқарди, бу билан смена нормасини 14 баробар ошириб бажарди.

Стаханов рекорди минг-минглаб кишиларга янги техникадан унмун фойдаланиш заминда улкан имкониятлар ётганлигини кўрсатди. Бу рекорд меҳнат унмундорлигини несики ошириш учун умумхалқ курашига руҳлантирувчи сигнал бўлиб хизмат қилди.

Стаханов ташаббуси билан бошланган новаторлар ҳаракатига қўшилганлар «стахановчи» номини олди. Бу фахрий ном эгалари эл-юрт ардоқлайдиган, ҳамма жойда пазат-хурмат қилинадиган кишилардир.

Социалистик мусобақанинг янги босқичига асос солган бу аксионд ҳаракат иккинчи беш йиллик давом этаётган, ишчилар синфи Коммунистик партия раҳбарлигида иқтисодий қурилиш марраларини забот этаётган, халқ ҳужакинни техника жихатдан реконструкция қилиш тугалланган пайтда тугилди. «Центральное-Ирмино» конида чиққан учқун тезда ёрқин аланга олиб бутун мамлакатда шуъла соча бошлади. Бу шуъла саноатнинг ҳамма соҳалари ва транспортга ёйилди. Натияжада бутун мамлакатда юксак кўтарилди бошланди. Унинг оқибати ўлароқ иккинчи беш йилликда совет саноатида меҳнат унмундорлиги пайндади 63 процент ўрнига 82 процентга ўсди.

Колхозчи деҳқонлар ҳам, қурилиш майдонларининг меҳнатсаварлари ҳам ўз сафларидан янги ватанпарварлик ташаббусининг биртагил раҳнамоларини етказиб чиқардилар. Стахановчиларнинг шовли отряди сафига қўшилган ватанпарварларини ўзбекистонимизда ҳам қўлаб ўратиб мумкин эди. Умумхалқ қурилишига айланган Катта Фарғона каналини бўғиб атишда кунига 10—15 нормадан ортиқроқ тулук қазиб чиқариб, пайдалонга еттириб чиқди. Ана шундай меҳнат сафи тез кенгайиб борганлиги туфайли мисалдан Катта Қурилиш 45 кунда пайдалонга етказилди. Меҳнатга тўлқинли, эл-юрт боғлигини ошириш учун жасорат кўрсатиб килганлар Мамкида Абдурахмонова, Абдумаликов, Ф. Юнусов, Тожиқов, Аскархонов, Иброҳимов, Раҳматов сингари стахановчиларнинг номлари ўша йилда қўшилган қанотда бутун ўлкамизга таралган эди.

Коммунистик партия катта сафарбарлиги, ташкилотчилик ишлари олиб борганлиги туфайли омманнинг гайрат-шижоатини, унинг анти иқдорий бунёдкорликка интилишини юзга чиқди. Партиянинг Ленин васыятларига риоя қилиб социалистик ва



АНГРЕН шахридаги 9-шахтада Абдулла Хисамиев бошлиқ кончилар бригадаси пешқадамлиги билан довруқ қозongan. Улар етти ойлик планга қўшимча равишда 600 тонна кўмир қазиб беришди. Суратда: бригада аъзолари.

А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОЧЕГАРКАСИ

Ишчилар синфининг илгор отрядларидан бўлган кончилар ер қазидан қимматли маъданлар қазиб олишдек машаққатли касб эгалари сифатида эл-юрт хурмат-эътиборини қозongan. Партия ва ҳукуматимиз ҳам уларнинг халқ ҳужакинни социалистик асосда индустриалаштириш, коммунистик жамиятнинг моддий-техник базасини яратиб йўлгаги баракани меҳнатларини юксак қадрлаб келаяптир.

Пролетарият доҳириси Владимир Ильич Ленин таъбири билан айтганда, кўмир саноат индустриянинг асоси, янги-янги заводалар ва иссиқлик энергияси марказларининг ишга туширилиши «қора олтин»ни кўпроқ қазиб чиқаришни тақозо этаётган. Шонли кончилар ҳам бунга жавобан йил сайин кўмир қазиб чиқариш суръатини жалдлаштириб, мамлакат саноатининг бу махсулотга бўлган талабни муваффақият билан қондиришга эришмоқдалар. Беш йилликнинг якуловини йилда халқ ҳужакинга 700 миллион тонна кўмир ва 34 миллион тоннага яқин ёнғич славнеф етказиб беришди бу фикрнинг яққол исботидир.

Сўнгги йилларда очилган усадда кўмир қазиб олиш суръатини кескин ортиб бораётган. Чунки бу янги ўсат қончилар учун қазиб олиш бўлиши билан бирга қазиб олишнинг фойдаланиш имконияти берилади. Ҳозирги кунда очилган усадда кўмир қазиб олиш КПСС XXIV съезди директиваларида белгиланган равишда, жами ишнинг 30 процентдан кўпрогини ташкил этади.

Иттифоқ кўмир саноатини ривожлантиришда республикамиз «қора олтин» бунёдкорларининг ҳам салмоқли ҳиссаслари бор.

Ангрени кончилари ўзларининг касб байрамларини ардоқлиқ меҳнат соғалари билан кутиб олиш учун йил бошида кўпроқ қазиб олишга шай бўлишга эдилар. Улар умумколлектив йиллик йилликларини шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, планга қўшимча 13 минг тонна кўмир қазиб чиқариш ва 60 минг сўмлик қўшимча махсулот реализация қилиш, ҳар бир ишчи ҳисобига меҳнат унмундорлигини 3 тоннадан зиёроқ қўйишига сўз беришганди.

Ангрени резрез партия ташкилот секретари Ю. КИМОВИЧ бу юксак социалистик мажбуриятни бажариш йўлида амалга оширилган қатор тадбирлар ҳамда, шахтёрлар қурилиш қандай кутиб олишганини ҳақда мажбуриятга қўйилганларини ҳақда қилиб берди.

Корхонамиз коллективни тўққизинчи беш йилликда улкан юксалиш йўлини босиб ўтди. КПСС XXIV съезди қарорларини ҳақда таътиб этиш йўлида қизгин кураш олиб бориб, барча иқтисодий-техник қўрсаткичларини юксалтириш бўйича олган қараб катта қадам қўйилди. Агар 1971 йилда коллективимиз 2 миллион 750 минг тонна кўмир қазиб чиқариш ниятига эга бўлган бўлса, бу йил планга кўра 4 миллион 250 минг тонна кўмир қазиб чиқаришимиз керак. Шунингдек, беш йилликнинг дастлабки йилда ҳам бир ишчи бир ойда салкам 200 тонна кўмир қазиб чиқарган бўлса, ҳозир бу рақам қарийб 260 тоннага етиб қолди.

Коллективимизнинг тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даврида қандай юксалиш йўлини босиб ўтганлигини қўйиладиган рақамлардан ҳам билиб олаётир. Ўтган тўрт йилда



Ворошиловград ОБЛАСТИ. «Кадиев-уголь» компаниясига қарашли КПСС XXII съезди йомидати шахта — собиқ «Центральное-Ирмино» — стахановчилик ҳаракатининг ватаки. Бу ерда 1935 йилда ташкил қилинган, ҳозирги кунда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Г. Стаханов бир сменада 102 тонна кўмир қазиди. Бу ўша даврда одадаги 14 йил кунда бажариладиган норма эди.

Суратда: КПСС XXII съезди номли шахта.

Р. Ариев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

СТАХАНОВЧИЛАР ЗАФАРИ

Бутуниттифоқ шахтёрлар кунини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олиш учун оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб шай бўлган Ангрени резрез коллектив зафар кучида. Стахановчилик ҳаракатининг 40 йиллик шарафига ўзроқ социалистик мусобақани қизгин авж олдирган кончилар шу кунгача планга қўшимча 135 минг тоннага яқин кўмир қазиб чиқардилар. Планга қўшимча 600 минг сўмлик махсулот реализация қилинди

ва 220 мингдан кўпроқ соф фойда олинди. Шу кунгача ҳар бир ишчи ҳисобига меҳнат унмундорлиги пландаги нисбатан, қарийб 12 процент ўсди.

Резрезда 24 шахта, 4 участка, 146 бригада ва смена стахановчилик ҳаракатига қўшилган, 875 кончи бу ватанпарварлик ҳаракатининг 40 йиллик мусобақати билан шахсий мажбурият қабул қилиб, ўз сўзларининг устидан чиқарди.

КПСС Марказий Комитетининг

САЛОМ, СЕНТЯБРЬ!

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА ҲАЁТ

БИРИНЧИ сентябрь кўнгиноқлари чалинадиган кун арафасида турибми, мактабларнинг педагогик коллективлари, минг-минглаб ўқувчилар бу ҳаёли дамларни янги ўқув йили соғинчи ва иштиёқи билан кутиб олаётirlар. Билимга чанқоқ ёшларни илм-фан даргоҳлари ўз бағрига чорламоқда.

ЯНГИ 1975—1976 ўқув йили КПСС XXIV съезди ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг мактаб-маориф ҳақидаги қарорларини амалга ошириш, умумий ўрта таълимга ўтишни тугаллаш, ўқув-тарбия жараёнларини янада такомиллаштириш учун кураш шiori остида бошланаётганлиги билан характерлидир. Умумий таълим мактабларининг бу йилги ютуқлари салмоқли, кўп жиҳатдан ибратли. Облостимиздаги кўпгина мактабларда таълим-тарбия ишлари шу кунинг талаблари даражасига кўтарилди. Билим билан амалиёт ағзал бўлиб қолди. Таълим беришнинг мақбул усул ва методлари жорий қилинди.

Бугунги кунда мактаб-маориф ҳаётига тобора сингиб бораётган ялғор усуллардан бири таълим-тарбия жараёнининг кабинет системасига кенг ўтказилганлигидир. Дарсларни шу системада ташкил этиш мактабда, ҳар бир фанга етарли кўргазмалар курали ва ўқув жихозлари билан тўла таъминланган ўқув кабинетларини тайёрлаш талаб этади. Педагогик коллективларимиз гайрат-ташаббуслари билан 150 га яқин билим ўчоги кабинет системасига ўтди. Бу йил янгидан 20 дан ортиқ мактабда бу ялғор усул жорий қилинди.

Мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, кўшимча синфхоналар қуриш борасида ҳам қатор ютуқлар қўлга киритилди. Утган йил облостимиз шаҳар ва районларида 820 та мактаб ишлаб турди. Биринчи сентябрга армуғон сифатида етти та шаҳардаги мактаб биноси қуриб битказилди. Оржоникидзе районидagi 30-ўрта мактаб янги ўқув корпусига кўчиб ўтди. Оққўрғон районига қад кўтарган бино ҳам ўқувчилар ихтиёрига берилди.

Ангрелик ва оламликлик ўқувчилар ҳам янги ўқув йилида ҳашаматли мактабларга эга бўладилар. Мажмуа ҳамда янгидан қурилган устакхона ва лабораториялар жиҳозланди. Бу борада Оққўрғон, Бўка, Янгиёул районларида кўзга кўринarli ишлар қилинди.

Техника воситалари ўқув жараёнидан мустаҳкам ўрин олади. Мактабларда ўқув фильмларини намойиш қилиш, физика, химия ва биология фанлари бўйича кўргазмалар кўргазмалардан кенг фойдаланиш тadbирлари қўрилди.

Бу ўқув йилида барча мактабларда ошхона ва буфетлар бўлишига эришилди. Бунинг учун етарли миқдорда маблаглар ажратилди. Оталик таълимчилари, ялғор ва совхозлар ҳам ошхона, буфетлар қурилишига яқиндан ёрдам бердилар.

Ўқувчилар ўртасида тракторчиликка ва автомобиль ҳайдашга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Уттизга яқин мактабда автомобиль ҳайдашга ўрганиш синфлари очилганлиги ҳам бу соҳага эътибор кўчатирилганлигини кўрсатиб турипти.

Кейинги йилларда халқ маорифи йўли билан умумий таълим фондларини ташкил этишга ҳам аҳамият берилмоқда. Бу йил мажмур мақсадлар учун 447 миң сўм пул ажратилди. Ушбу маблаг моддий ёрдамга муҳтож болаларни қийин-бош, ўқув қуроллари билан таъминлаш, уларнинг бепул овқатланиши учун сарфланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, таълим сифатини оширишда кўни заъитирилган гуруҳларнинг тугган ўрни каттадир. Шу сабабли ўқувчиларни бундай гуруҳларга қўшлаб тортиш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Облостимиз мактабларида ўқитувчиларнинг катта отряди ишлаб турибди. Улар орасида бой таърибаси, чуқур билими ва истеъдоди билан ажралиб турган мураббийлар анчагина. Буларнинг кўпи 30—40 йиллик педагогик стажга эга бўлган ўқитувчилардир. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар ҳам анчагина. Педагоглар сафи бу йил янада кенгайди. Мингдан ортиқ ёш ўқитувчи билим ўчоқларига келиб, таълим-тарбия ишлари билан шугуллана бошладилар. Умуман, облостимиз мактабларида 27 миң анжор ёш авлод таълим-тарбияси билан машғул бўлади.

«Партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар, халқ маорифи органлари халқ ўқитувчиси тўғрисида ленинча ғамхўрлик қилишлари, унинг билим даражасини, ғойий-назарий савиясини, педагогик маҳоратини оширишга ёрдам беришлари керак» дейилган КПСС Марказий Комитетининг Белоруссия партия ташкилотиди идеология кадрларини тарбиялаш янада яхшилашга бағишланган қарориди. Ана шу талаблар биринчи сентябрь арафасида бўлиб ўтган ўқитувчиларнинг анжани август кенгашларида яна бир бор эслатиб ўтилди.

Дарғақиқат, ёшларга пухта билим бериш учун ўқитувчиларимиз тийиш иш олиб боришлари, педагогик маҳоратини кўп сайин оширишлари лозим.

Катта таравуд ва аўр уюшқоқлик билан бошланаётган йил 1975—1976 ўқув йилини облостимиз маориф ҳодимлари ва кўп сонли ўқитувчилари ўқув-тарбия ишларида ҳамда ёшларнинг умумий ўрта таълимга ўтишни тўла тугаллашда катта муваффақиятларни қўлга киритиш билан аяқланидиган.

С. СОВИТОВ,
Область халқ маорифи бўлими мудири ўринбосари вазифини бажарувчи,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.



СЕНТЯБРЬ ҚУВОНЧИ.

А. Тўраев фототўзиди.

БИРИНЧИ ДАРС—ЛЕНИН ДАРСИ

1 сентябрь тоғида мантаб синфхоналарини яна қувноқ ўғил-қизлар тўлдирди. Биринчи кўнгиноқ янги йил, биринчи дарс бошланди. Унда ўқувчилар доҳийми? Владинир Ильич Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолияти билан танишдилар.

Пойтахтимиздаги 239-мактаб ўқитувчилари Тоҳир Махмудов, Муҳаммад Иброҳимов, Доғу Манжуринов, Асан Имомов ва бошқалар ўқувчиларга доҳийнинг болалиги, илмий мероси, Совет давлатини тузишда

кўрсатган хизматлари тўғрисида сузлаб берадилар. Бунда улар ўқув қуролли сифатида доҳий асарларидан, плакатлардан фойдаланадилар. Мактабнинг катта зали ва синфхоналарига Лениннинг ҳаёти, революцион фаолиятидан ҳикоя қилувчи бой материаллар қўйилди.

Бошқа мактабларда ҳам биринчи дарс—Ленин дарси бўлади. Ўқувчилар бу соатда Лениннинг ўзиниша ва яшашига ваъда берадилар. Ўз ваъдаларига содиқ қолиб йил бўйи толиймай фан ўқидиларини ағд-лайдилар.

С. СУЛТОНОВ,
ўқитувчи.

ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИДА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР

АКТИВЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДАГИ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ИЛБИЧ НОМЛИ ҚИШЛОҚ СОВЕТИНИНГ 1975 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИГИМ-ТЕРИМ ОЛИШГА ТАЙЕРГАРЛИК ВА УНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

КПССнинг бўлажак XXV съездини муносиб кутиб олишга тай-аргарлик кўриб, С. Сегизбоев иомли совхоз пахтакорлари беш йиллик янгуловчи йилда текти-ридан 37 центнердан пахта етиш-тириб, давлатга 13800 тонна соғ олтин сотиш юзасидан мажбу-рият олганлар. Бу 1974 йилдаги нисбатан яна кўпдир.

Дехқончилик механизациянинг ошганлиги, ўзга парваришда ил-гор агротехника қондаларига ри-оз қилинганлиги, республика, об-ласть ва район партия ва совет ташкилотларининг доҳий ғам-хўрлиги туғайла дехқонларимиз эмимага олтиган мажбуриятлар-нинг бажарилишини таъминла-йган даражада ҳосил етиштир-дилар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг пайдан таш-қари топирилган пахта учун ус-таме ҳақ тулаш тўғрисидаги қаро-ри пахтакорларга қилинган ғам-хўрлигини янги намойиш бўлиб, республикамиз қишлоқ аҳлининг фаровонлигини янада ошириш имконини беради.

Бунга жавобан механизаторла-римиз бу йил ҳар бир пахта те-риш машинаси бункирдан 150 тоннагача пахта тукиб йиғим-то-риш ишларининг 90 процентини механизация ёрдамида бажариш-га аъд қилдилар. Йиғим-теримда 84 пахта тарадиган ва 30 та ку-рек йиғдиган, 25 та пахта чуви-диган машина, 29 та подборчик ишлаб турди.

Ҳамма иш икки смёнада таш-кил қилинмади. Бунинг учун ав-лод терим техникасидан моҳирона фойдаланиш, ҳосилни йиғим-тер-им олишда комплекс механизация-нинг илгор усулларини кенг жи-рий этиш, ҳар бир совхоз те-римининг уюшқоқлиги ва иттифо-қлиги таъминлаш туғайлиги эришиш мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, партия ташкилотли совхоз дирекцияси, кесба соҳа ва комсомол ташки-лотлари билан биргаликда йиғим-терим ишларига тайёргарлик кў-риш ва уни ўтказиш юзасидан ташкилий ишлар комплексини ишлаб чиқди.

Маҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советининг депутатлари Узбекистон КП Марказий Коми-тети ва республика Министрлар Советининг 1975 йил пахта ҳоси-лини териш ва тайёрлашга кол-хозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларининг тайёргарлиги тў-ғрисидаги қарорини муҳокима қи-либ, уни тўла маълумлашлар ҳамда шу қарорни бажариш юза-сидан тегишли тadbирлар ишлаб чиқдилар.

Қишлоқ Советининг қишлоқ шў-жалити бўйича доҳий комиссия-си қишлоқ шўжалити мутахассис-лари ва совхоз актив билан бир-галикда 1 сентябрга қадар қиш-лоқнинг теримга тайёргарлигини текшириб чиқдилар. Техника, транспорт воситалари, веттаро-зи хўжаликлар, асфальтланган майдонлар, қудда териш учун фаруқлар тайёрлигини текши-ришдан ўтказилди. Бунда янги-ланган қамчиликларни дарҳол бартарф қилиш тadbирлари бел-гиланди.

Қишлоқ шўжалити бўйича ко-миссия составиди депутатлар гуруҳисига давлатлар машина те-римига тайёрлаш ишлари юзаси-дан назорат ўрнатилди вазифе-си топирилди. Пахта йиғим-терим даврида бевосита давлатнинг ўз-да терим техникасини билли билан таъминлаш ва ремонт қилишни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамия-тга эга. Шуни ҳисобга олиб, қишлоқ шўжалити бўйича комис-сия аъзолари бу устакхона ўз на-зоратлари остига оладилар.

Маҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Совети пахта териш ма-шинларининг моҳир-ҳайдовчи-лари, бўлимлар, бригадалар, зе-в

нолар, теримчилар ўртасида со-циалистик мусобақани кенг ани-қлаштиришга актив кўмаклашди. Шу мақсадда маъмурият ва ма-молат ташкилотлари билан бир-галикда йиғим-терим даврида со-циалистик мусобақани ташкил қи-лиш шартлари ишлаб чиқилди. Мусобақа илгорларининг моддий ва маънавий рағбатлантириш тadb-бирлари белгиланди. Мусобақа натижалари ҳар беш кунда ян-гулаб турилди.

Қишлоқ Советининг савдо ва умумий овқатланиш бўйича ко-миссияси ҳамма дала шийпола-рида энг зарур буюмлар билан савдо қиладиган сотувчисиз мага-зинлар ташкил қилишда, механи-заторлар ҳамда йиғим-теримда, пахтани ортиш ва тушириш иш-ларида бивд бўлган ҳодимлар учун кунига уч маҳал иссиқ овқат уюштиришда кўмаклашди. Кўча-ма автотранспортни шў графити ту-зилиб, тайёрлов пунктдаги ош-хонада иссиқ овқат бўлиши таъ-минланди. Ана шу ишларнинг муштзам амалга оширилиши қишлоқ Советининг депутатлари назорат қилиб борадилар.

Қишлоқ Советининг қурилиш ва обдорчилик бўйича доҳий комиссияси сентябрь ойи бош-лавуғига қадар қўллар, қўриқ-лар, қирмонлар ва тейерлов пул-ти, олиб борувчи термек қў-ларнинг аҳволини текширди.

Қишлоқ Советининг соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ко-миссияси депутатлари йиғим-те-рим бошланғичига қадар дала шийполарининг аптекалари бил-ан, медицина пунктларининг мо-ддий ҳодимлари ҳамда зарур доридармонлар билан таъминла-нишини назоратли ўтказадилар. Пахтадан дефляция қилиш ва уни йиғим-терим олиш даврида, шунингдек умумий овқатланиш тармоқларида ишчи ва хизматчи-ларнинг соломатлигини соқлаш ҳамда санитария нормаси-га риоз қилиш ишлари меди-цина ташкилотлари томонидан қандай тadbир қилинганлиги усти-дан назорат ўрнатилди.

Социалистик қонунийлик бўй-ича депутатлар комиссиясининг аъзолари совхоз коллективни ора-сида пахтани йиғим-терим олиш учун белгиланган меҳнат ҳақи тўғрисидаги қондаларни, партия ва ҳукуматнинг пайдан ташқари топирилган биринчи, иккинчи ва учинчи сорт пахта учун устаме ҳақ тулаш тўғрисидаги қарорлари-ни меҳнат ва ишлаб чиқариш итти-фоқини борсидида қону-қондал-ларни тушутиришлар, меҳнате-риш вақтида ҳақ тулинишини назо-рат қилиб борадилар, пахта ис-рофгарчилигига қарши кураш мақсадида 4 та пост ташкил қи-ладилар. Шунингдек, пахта пуки-тида меҳнатни тadbир қилишни назорат қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича постлар тузи-лади.

Халқ маорифи бўйича депутат-лар доҳий комиссияси болалар боча ва яшларининг ишига кў-маклашди.

Қишлоқ Совети депутатлари ва активлари маънавий хизмат тармоқ-лари, клублар, қизил бурчқалар, кутубхоналар, кино хизмати, дала шийполарини янги тазега ва журналлар билан муштзам таъ-минлаш, лекция ва суҳбатлар ў-тказиш ишларини ўз назоратлари-га оладилар.

Қишлоқ Совети икромия коми-тети совхоз маъмурияти билан биргаликда депутатларни жаб-б қилган ҳолда меҳнатга лаёқатли ҳамма қишлоқнинг пахта йиғим-теримига жабб қилиш юзасидан кенг тушутириш ишларини олиб боради.

Тadbирлар меҳнаткашлар де-путатлари қишлоқ Совети сессиясида маълумланган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

КОНКРЕТ ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Газетанинг шу йил 3 июль сониди «Илгор таърибда шундай ёндаш» сарлавҳали мақола босилиб, унда «Ташобулестрой» раҳбарлари диққатига шу трест қурилмаларида содир бўлаётган айрим намчиликлар кўрсатиб ўтилган эди.

Маъмур ваъда бўлганда, унда «Ташобулестрой» трести ва унга қарашли механизациялан-ган бошқарма раҳбарларининг ишын ташкил қилишда аўл қўяётган намчиликларни тўғри таъкид қилинганлиги айтилди.

Трест маъмурияти, партия ташкилотли, механизацияланган бошқарма раҳбарлари ва ком-мунистлари иштирокда ўт-на-

зиялар бирлашган партия маж-лисида тегишли тadbирлар бел-гиланди.

Бундан ташқари, ана шу мажлисида партиянинг нав-батдан XXV съезди шарафига оширилган қўшимча мажбурият оллинг.

Трестнинг қонгайрилган маж-лисида Эркистон ССР қишлоқ қурилиш министрли-гининг вакиллари иштирокда кўча механизацияли волонери-сидан ўртоқ Ю. Ю. Юлусов-нинг ҳисоботи аштилган. Унда газетда кўрсатилган намчи-ликларни бартарф этиш учун қурилган тadbирлар ҳам айтиб ўтилган.

Ҳар сафаргидек бу йил ҳам ҳамма билим масканларида

янги ўқув йили тантанали равишда, байрам сифатида бошла-

нади. Бу шодиёна кунга жойларда катта таравуд қўрилди

ва янги армуғонлар ҳозирланди. Ана шу янгиликларни жой-

лардаги мутахассислар қуйдагича шарҳлайдилар.

ПУХТА БИЛИМГА ЗАМИН

Қ. МЕЛДИБЕКОВ — Калинин районидagi 29-мактаб кесба соҳа ташкилотининг раиси

Мактабда амалга оширилаётган барча ишларнинг мазмуни ва йўналиши умумий ўрта таълимга ўтишни тугаллаш ва уни мустаҳкамлаш вазифарларига қаратилган. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ умумий таълим мактаб-ининг иш широтини яхшилаш тadb-бирлари тўғрисидаги қарориди ҳам бу муҳим масалага алоҳида эътибор берилган. Шу босидан ҳам, биринчи навбатда мактаб-нинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш район халқ маорифи бўлими, оталик ташкилотлари диққат марказида турибди.

Билим ўчоғимиз ўтган ўқув йилида иш бошланган эди. «Назор-бон» совхоз бунда янги бинони ажратиб берди. Ўқув йили ёмон янгулланмади. Ўқим-ўқитиш сам-е радорлигини ошириш йўлида мак-таб дирекцияси (директор В. Нурматов) ибратли ишларни амал-га оширди. Янги устакхона ва фан кабинетлари очилди.

Янги ўқув йилида билим ўчоғи-нинг соҳни анча кенгайди. Совхоз ёрдами билан қўшимча етти та синфхона қуриб битказилди. Бу йил ўрта фан кабинети ташкил қилинди. Алоҳида ўқув устакхо-налари бўлишига эришамиз.

Қўрилган бу тadbирлар туғай-ли синфлар ҳам, ўқувчиларимиз ҳам кўпайди. Шу билан бирга дарсларда ўқитишнинг самарали метод ва усулларидан кенг фой-даланиш имкони туғилди.

Мактаб маъмурияти, партия, комсомол ва кесба соҳа ташки-лотлари бутун кучини таълим си-фатини юқори порогага кўта-ришга қаратади.

ҲАМ КАСБ, ҲАМ ЎРТА МАЪЛУМОТ

Р. АХРОВО — хунар-техника таълими Давлат комитети умумтаълим фанлари бўлимининг бошлиғи

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Бреж-

тиқболи порлоқ. Бу даргоҳ ре-зиде буюмлари комбинагига ма-ласали мутахассис қадрлар еткази-б беради.

Оққўрғон районидagi С. Сегиз-боев номили совхозда янги ишга тушган билим юртида бу йил ик-ки мингдан ортиқ йиғим-терим тах-сил қўрди. Улар келгусида қол-хоз ва совхозларда механизатор бўлиб ишлайдилар. Худди шу-нингдек, Янгиёул районидида та-шкил топган хунар-техника билим юрти ҳам механизаторлар қадрлар ўчоғига айланди.

Утган ўқув йилида область бў-йича 391 ўқувчи ўрта маълумотли диплом билан ишга йўлланим ол-ди. 1975—1976 ўқув йилида эса бундай қадрлар 27 процент орта-ди.

Облостимизнинг Бекобод, Ол-малик, Ангрэн шаҳарларидаги билим юртилари ҳам асосан ўрта маълумотли хунарманд қадрлар тайёрлаб чиқаришга бел бошлаган.

Биз бундан кейин ҳам билим юртиларини сифати техника, ўқув қўлланмалари ва қуроллари би-лан жиҳозлашга, малакали инже-

нер-педагогик қадрлар билан таъминлашга аҳамият беравера-миз.

ТўНҒИЧ ФАН ДАРҒОҲИ

Г. АЗИЗОВ — Тошкент таъли ҳишлоқ хўжалиги техникумининг директори

Техникуминимиз бундан ярим аср муқаддам ўсимликларни ҳимос қилиш инструкторларини тайёр-лаш курси базасида ташкил топ-ди. Бу ерда агрономлар, ветери-нария фельдшерлари, бухгалтер-ия ҳисобчилари ва ўрмон хўжа-лиги техникалари тайёрлана бош-ланди.

Утган 50 йил чйида билим юрти катта айл босиб ў-ди. Бу орада кундузги ва кечки бўлимларни 13 миңга яқин ёш мутахассис муваффақиятли тамонлади. Ҳозир уларнинг кўпи республикамиздаги қолхоз ва совхозларда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда малакали қадрлар сифатида фаолият кў-рсатмоқда.

лиги бўйича амалий кўникма ҳо-сил қилмоқда. Йиғирма бешта фан кабинети ва 9 та лаборато-рия ишлаб турибди. Уларда наза-ри ва амалий машғулотларни олиб бориш учун ҳамма қўлай-ликлар яратиб берилган.

Шунингдек, техникум хузурида раҳбар ҳодимлар тайёрлаш бў-лимлари ҳам мажмуа. Бўлимда таъсил кўрган мутахассислар қол-хоз ва совхозларда бригадир, а-гроном ва бўлим бошлиқлари бў-либ ишламоқда.

Ёшларнинг амалий иш таъриб-ларини оширишда Калинин рай-онидида жойлашган ўқув-ишлаб чи-қариш хўжалиғимизнинг роли кат-та. Хўжалик далаларида ўқувчи-ларимиз назорат ва амалий маш-ғулотлар олиб бориш билан бир-га, малакали тракторчи-машинист, ҳаваскор шофер бўлиб ҳам ети-шадилар.

Тошкент қишлоқ хўжалиги ҳам-да ирригация ва қишлоқ хўжали-гини механизациялаш инженерла-рини институтлари техникуминимизга ҳар томонлама ёрдам бериб ту-ришибди. Ўқитувчилар коллектив-и янги ўқув йилида ҳам қадрлар тайёрлаш борсидида қатор юту-қларни қўлга киритади.



Йиллар мобайнида институт бўй-ича электрон техникани ўрганиши студентлар сони икки баравар кўпайди.

Утган ўқув йилида бизда 59 мутахассис бўйича инженер қадрлар тайёрланган эди. Янги ўқув йилидан эса булар қаторига яна бир ихтисослик қўшилиди: галлани сақлаш технологияси ва қайта ишлаш бўлими очилди. Ун-да таъсил кўрган студентлар эле-ватор, тегиримон ва гурун заво-дларида ишловчи мутахассис қад-рлар бўлиб етишадилар.

Бундай мутахассислик Ўрта Осиё республикалари ва Қозо-ғистон ССРда биринчи бўлиб биз-нинг олий ўқув юртимизда очил-ганлиги эътиборга сазовор.

XIII